

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ЛЕНИН ВА ФРУНЗЕ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Мусобақадор районларнинг корхоналари коллективлари Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат бешлашувига кўчирилиб, йилнинг январь-май ойларидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий техник индустриал кўрсаткичларини муваффақиятли адо этдилар. Жумладан, маҳсулот реализацияси ҳамда бўйича топишнинг Ленин району 1,7 процент, Фрунзе району 1,9 процент ортти билан адо этди. Беш ой мобайнида планга қўшимча 2,681 минг ва 3,679 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда пландаги кўрсаткичдан 2,9 ва 6,2 процент юзори бўлди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳамининг ўсиш суръати 4,7 ва 2,6 процент юссадди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш планини районлар 103,0 ва 106,0 процент адо этдилар. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 ва 1,9 процент ўсди.

Янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда мусобақадор районларда сўнгги йилда 7,267 минг ва 5,285 минг сўмликка юссадди. Бунда Ленин районинда ишлаб чиқариш ҳамда ўсиш, нинг 72,3 процентига, Фрунзе районинда 73,1 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш зағирини эришилди.

Электрон техника, электротехника (Ленин району), қурилиш материаллари комбинати, пластмасса буюмлари ва рўзгор химияси заводи, пардозлаш трестининг қурилиш материаллари комбинатида (Фрунзе району) сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳамда 10 процентдан кўпроққа юссадди.

Биринчи белгиланган номенклатурада буюмлар етказиб бериш бўйича шартномадаги мажбуриятларини ҳамма корхоналар бажарди, деб бўлмади. Булар қаторида химия, фармацевтика, тепловоз-ремонт, нартон таралар, «Кизил тон» тикучилик, «Учкун» тўқимачилик, галентерия бирашмалари (Ленин району), тўқимачилик комбинати, «Ташкентстильмаш», «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Промстройкомплект», 1-поабфаза фабрикаси (Фрунзе району) каби корхоналар бор. «Учкун» тўқимачилик-галентерия бirlашмаси (Ленин району) қолонлар сафида қолди — реализация планинда белгиланганидан 473 минг сўмлик кам маҳсулот берди.

«Кизил тон», «Учкун», тепловоз-ремонт (Ленин району), «Ташкентстильмаш» (Фрунзе району) каби корхоналар товар маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар. Қурилиш-монтаж ишлари планини (марказлашган молна мабзалари — 1983 йилнинг январь-апрель маълумотлари) Ленин району 103, Фрунзе району 91 процент бажарди. Турар жойни фойдаланишга топириш бўйича кўрсаткичлар анча паст — 75 ва 55 процентини ташкил этди.

Ҳадемай, сентябрь ойи яқинида бу ойда тошкентликлар жонажон шаҳарларининг 2000 йиллигини нишонлайдилар. Бу юбилей байрами Ҳазратини похтайти ва бутун республиканинг иқтисодий-сиёсий, маданий ҳаётида йирик ролни, СССР ҳалқларини бузулмаз дўстлиги байрами бўлади. Шаҳарнинг мусобақадор районлари барча коллективлари юбилейни шоили меҳнат совғалари билан қутуб олшини ўзларининг шон-шараф ишлари деб билишади.

Ленин району меҳнаткашлари ҳам бу байрамга пухта тайёргарлик қўришти. Республика похтайти юбилейини муносиб қутуб олиш учун социалистик мусобақадор районнинг 18,5 миңдан ортти меҳнатқани шитирон ээтлиги, 218 ишлаб чиқариш илгори шаҳар юбилейига йиллик планини бажариш мажбуриятини олашган. Иш натижаларини текшириш шунга кўрсатдики, уларнинг ҳаммаси юксак мажбуриятларини ортти билан адо этишти.

Кўпгина корхоналар ва ташкилотлар план-топиришда р и н и, социалистик мажбуриятларини, шунингдек юбилейга тайёргарлик бўйича белгиланган тадбирларини бажаришни таъминлаш учун кўп ишлар қилишти. Жумладан, Тошкент юбилейига атаб 19 та турли хил буюмлар ишлаб чиқаришга тайёрлашти ва ишлаб чиқаришти ҳам. Булар қаторида «Ешлик» рангги музика молнама (электрон техника заводи), «Тимей» тоғ чанаси («Средазэлектропарат» бirlашмаси), турли хил кийимлар («Кизил тон» бirlашмаси, кийимлар уни) ва бошқа жами 700 минг сўмлик маҳсулот бор.

Шу билан бирга «Средазэлектро п а р а т» бirlашмасида ва «Учкун»да, «Ташхиссельмаш»да, «8-автомобиль» заводида, каюп на чўтка фабрикасида ишлаб чиқариш ҳамини ўстиришда анча қолонликка йўл қўйилди.

Шу билан бирга «Средазэлектро п а р а т» бirlашмасида ва «Учкун»да, «Ташхиссельмаш»да, «8-автомобиль» заводида, каюп на чўтка фабрикасида ишлаб чиқариш ҳамини ўстиришда анча қолонликка йўл қўйилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетинда

Ун саккизинчи чакирқи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессиясида «КПСС Марказий Комитетин ноябрь [1982 йил] Пленуми қарорлари, Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг олтинчи йиллиги» докладыдан келиб чиқувчи қолонлар ва хулосалар, ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон ССР Министрат Советининг қарорларини асосида шаҳар аҳолисинга транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳоли ва уни янада яхшилаш чоралар тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети кўрсатиб ўтдики, аҳолига транспорт хизмати кўрсатилишини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Фақат 1982 йил ва 1983 йилнинг беш ойида 15 та янги автобус ва электр транспорт маршрутлари ошилди, 80 та маршрут узайтириди ёки ҳаракат йўналишини ўзгартирилди. Пассажирлар кўп бўлган маршрутлардаги кам ўринли автобуслар кўп ўринлиларига алмаштирилди.

Шаҳар пассажир транспортини ривожлантиришга буюмлар ва ободонлаштирувчилар катта ҳисса қўйдилар. Ун биринчи беш йиллик мобайнида улар томонидан 27,4 километр янги автомобиль йўллари қурилди. Айни пайтда, аҳолига пассажир транспорт хизмати кўрсатишнинг бугунги кунда эришилган даражаси шаҳарнинг ўсиб бораётган аҳлиёларидан Автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, поездлар, самолётлар, маршрутлик таксилар, шаҳар атрофи нисдалари, самолётлар ҳаракатини ташкил этишда жиддий нуқсонлар бор.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советини Тошкент шаҳарининг 2000 йиллиги байрамига, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик муносабати билан аҳолига пассажир транспорт хизмати кўрсатиш яхшилаш бўйича муҳим вазифаларини белгиледи.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига, шаҳарнинг транспорт ташкилотлари ва корхоналарига, архитектура ва планлаштириш Бош бoшқармасига ҳамда «ТашНИИГенпл а н» институтига шаҳар пассажир транспортини 1990 йилгача ривожлантириш и н г комплекс транспорт схемасида қўзда тутилган барча тадбир-

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

ларнинг планини равишда амалга ошириш таъминлаш тақлиф этилди.

Тошкент темир йўл бўлиминига, Тошкент авиакорхонасига, «Главатшассавотранс»га, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бoшқармасига, шаҳардаги барча турдаги пассажир транспортини шини координациялаш ва ривожлантириш бoшқармасига аҳолига пассажир транспорт хизмати кўрсатиш янада яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, поездлар, жамоат транспорт хизмати ва самолётлар рейслари мунтазамлигига рио этилиши юзасидан қўшимча чоралар қўриш тақлиф этилди. Автобуслар, трамвайлар ва троллейбусларнинг кечини ҳамда парки олдинроқ кириши ҳолатларини кескин камайтириш лозим.

Тошкент авиакорхонаси ва ҳаво йўллари марказий агентлиги коллективлари ва раҳбарларига аэропортда ва агентликнинг мотулоясини қисқа муддатда қайта қўриб чиқиш, болали пассажирлар, инвалидлар ва тездак жўналишга муҳтож кишиларга хизмат кўрсатилишини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳаво транспортини муамналли ишлар учун мухтассислар маъсулиятини ошириш тақлиф этилди.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари 1983 йилнинг охирига қадар охири диспетчерлик станцияларини телефонлаштириш л и ш масаласини ҳал этиш тақлиф этилди.

Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларига, Тошкент авиакорхонасига, «Главатшассавотранс»га, трамвай-троллейбус иш-

лаб чиқариш бoшқармасига, ободонлаштириш Бош бoшқармасига, умумий оқватларини Бош бoшқармасига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини Ички ишлар бoшқармасининг ГАИ бoшқармасига охириги диспетчерлик станцияларида зарур сандал-манший шартлар яратиш, ҳайдовчилар ва линия ходимларининг оқватларини тақлиф этиш юзасидан таъсирчан чоралар қўриш тақлиф этилди. Шаҳарнинг йўл-кўприк ҳўналигини, аниқса темир йўл ўтқи жойлари ва трамвай йўллари кесилган жойлари ҳамда жамоат транспорт бекатларининг ўз вақтида регион қўли ва сақлаш таъминлансин.

Савдо Бош бoшқармасига, умумий оқватларини Бош бoшқармасига, шаҳар «Союзпечать» агентлиги дирекциясига, почта ва бюуртга ишлаб чиқ-

риш-техника бoшқармасига, давлат меҳнат омонат кассалари бoшқармасига, шаҳар аптека бoшқармасига омонет талоқлари, ойлнк йўл қарточкаларини сотиш бўйича белгиланган планларнинг ой сайн бажарилишини таъминлаш, уларни сотишди тузган маблағларни ўз вақтида трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бoшқармасига ўтказилишини таъминлаш тақлиф этилди.

Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини Ички ишлар бoшқармасининг ГАИ бoшқармасига, шаҳардаги барча турдаги пассажир транспортини координациялаш ва ривожлантириш бoшқармасига, Давлат банк Тошкент шаҳар бoшқармасига муассасаларга тегишли автобуслардан самарали фойдаланилиши устидан назоратини кучайтириш, уларнинг жиҳозланли ва билетлар билан таъминлашга этибор бериш автобусларда йўл-йўлакчи пассажирларни ташкилдан бош тортаётган транспорт ташкилотларига шунингдек, иш бошлангичининг бoшқармига трафиини бузаётган қорхоналарга нисбатан чоралар қўрилисин.

Халқ депутатлари шаҳар Советининг транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссиясига транспорт корхоналарини фаолиятини устидан назоратини кучайтириш, шаҳар аҳолисинга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида уларга мунтазам амалий ердан маҳсулот тақлиф этилди.

№ 2

ВАТАНПАРВАР

«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНING РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАХРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.



БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Ватанпарварларни тарбиялаймиз



— Ҳозир биз КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ва СССР Олий Совети ўиничи чакирқи саккизинчи сессиясида материалларини ўрганиш ва пропаганда қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, лекция, суҳбат ва докладылар тэматикаси белгилаб олинди. КПСС Марказий Комитетини Бош секретари, СССР Олий Советини Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг иттиқадига қанда ва хулосалар, КПСС Марказий Комитетининг «Партия, идеология, оммавий сиёсий ишларнинг ақтуал масалаларини қарорини тушутиришга эътибор берилади. Уруш ветеранларини Совет комитетини секцияси аъзоларини «Билим жамияти билан ҳамкорликда шаҳар, обхотларга юборишини белгилаб қўйди. Улар партия ва ҳукуматнинг сивасини тушутириш бўйича иш олиб бoришди. Ешларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилдилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитетининг илтимосига

КПСС XXVI съезди ва ВЛКСМ XIX съезди қарорлари асосида ишларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни СССР Куроллик Кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш уруш ветеранлари Совет комитетини Тошкент секцияси халқ илтифати муҳим вазифадир. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми идеология, оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш борасида янги вазифаларни қўйди.

Шу муносабат билан уруш ветеранларини Совет комитетини Тошкент секциясининг иш ланида қандай ўзгаришлар бўлади? Мухбиримиз ана шундай савол билан уруш ветеранларини Совет комитетини Тошкент секциясининг раиси, Совет Иттифоқи Қахрамони Б. Ҳ. Эргашевга мурожаат қилди.

— Уруш ветеранлари билан уруш ветеранларини Совет комитетини Тошкент секцияси аъзоларининг бир гуруписи «Ўзбекистон комсомолни агитпоэдида составида ана шу муҳим масалалар билан боғлиқ ишларни пропаганда қилиш учун республикамиз обхотларига йўл олади. Планимиздан яқин кунларда халқ илтифати лозим бўлган бошқа агитация-пропаганда тадбирлари ҳам юзи олади.

— Яқинда Улуғ Ватан урушининг энг йирик жангларидан бири — Курск жанги бошланганга 40 йил тўлади. Шу жангга қатнашганлардан неча киши ҳазир Тошкентда истиқомат қилмоқда!

— Улар кўп эмас, 140 дан зиёдрок. — Урушдан кейин тузилган, урушининг дахшатларини бошдан кечирмаган ёшлар учун фронт қатнашчиси Улуғ Ватан урушини йиллар кўрсатган беқисс қаҳрамонлигини рақий фодоси бўлиб қолмоқда. Сиз фронтчи, Совет Иттифоқи Қахрамони сифатида бу гапнинг мазмунини қандай тушунасиз!

— Урушда қатнашган йилларида миңглаб ана шундай концертлар кўрсатилди. Платформа, оқиқ майдонда, олдинги маррада, омборхоналарда концертлар қўйилди. Ҳар кун 5—6 марта жангчилар олдига чиқишга тўғри келарди. Кечкурун этик ечиладиган оёқлар шитиб кетган бўларди.

Артистар жангчиларга санъат билан дўшманни яқсон қилишга ёрдам беришди. Тамираҳоним томонидан икром этилган шўҳ қўқиш ва жозибали рақс ҳар бир жангчининг қалбига ўчмас из қолдиран эди. — Кивда артистларнинг олдида, дала госпиталининг бошлиғи келиб, жароҳатланганлар олдида концерт кўрсатишини илтимос қилди. Санъат-

ЖАНГОВАР ШУХРАТ ВОРИСЛАРИ

ХУДДИ ФРОНТДАГИДЕК



Эги ўқувнинг дастлабки тактик машғулотларидан бири ниҳоятда қийин шароитда ўтди.

Қоялар орқасига яшириниб олган «душман» мотуқчиларини дедларни ўридан олқимай қўйди. Фақат қутилмаганда қилинган ҳужумини умумий галабини таъминлаш мумкин эди.

Бу жанговар ўқув топширини бажаришни звод командири гвардиячи лейтенант А. Ақопян, гвардиячи сержант О. Турғубоев етакчилигидаги ўт оловчилар гуруписига топириди.

Иширини йўл билан шиддаткор ҳаракат қилган Турғубоев гуруписи «душман»

нинг орқа томонига ўтиб олди. Уларнинг қутилмаганда қилган ҳужумини фронтнинг асосий кучлари қўлиб турди. Натикада жангда мотуқчилар голиб чиқиди.

Тактик машғулотларда худди фронтдаги сингари дадил ва

ҳозиржавоблик билан ҳаракат қилган гвардиячи лейтенант А. Ақопян бўлима командири гвардиячи сержантлар О. Турғубоев, В. Кондратьев, Г. Хиславларга жанговар топширига муваффақиятли бажаришди.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

Янгича анжанапар- ҳаётимиз кўрки

ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВ

Куйбишев районини «Дўстлик» маҳалласида кейинги пайтда яхши анъана шунга айтиш керакки, маҳалла комитетини хонасида Улуғ Ватан урушини йилларини ҳасурлик намунасини кўрсатган маҳалладошларнинг сураатлари қўйилган стенд ташкил этилди.

— Уруш ветеранларини Совет комитетини яқин кунлардаги вазифаларини нималардан иборат!

— Улар ҳақида суҳбатимизнинг бошланғичида айтган эдим. Шунини алоҳида таъкидламоқчимкин, биз Улуғ Ватан урушини ветеранларини ишларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, партия сивасини пропаганда қилишга қатнаш эътибор бермоқдамиз.

Айни пайтда, ер шарида тилкинчи мустаҳкамлашга ҳаракат қилмашди. Чунки биз уруш инсонияти бошига ақлга синмайдиган қуфлат ва надоматлар ёғдиришини яхши билимаз.

Суҳбатни М. ГОРБАЧЕВ олиб борди. М. Нуридинов фотоси.

Маҳалла комитетининг раиси, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Шариф Аҳмедов жангушадан билан бoшбўй ўтилган йўл ҳақида сузлаганда Павел Федорович Шелевев ҳаёжон билан «Биз ҳам худди шу йўлдан ўтганимиз, деб» юборди. Алангали йилларда бир-бирини танимаган, аммо бир мақсад — галабини қўлга киритиш учун мардона жанг қилган командир ва жангчи кучоқ очиб қўришди. Ирилганлар бу ўзига хос учрашувини давомлат қарарлаб билан олқиллашти.

полковниги Павел Федорович Шелевев, запарасидан полковниклар Аҳмаджон Мамажонов, Қосим Раҳматуллаев қилиб эдилди. Улар Совет Армиясини жангчи ва офицерларининг Ватан овозини учун кўрсатган беқисс қаҳрамонликлари ҳақида аниқ миқдор асосида сузлаб бoришди.

Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилишмоқда

Ишончини оқлаб

Янги қарамдан тайёрланган шўра ниҳоятда мазали қилди. Иккинчи оқват ҳам ундан яхши бўлди. Ўзбекча паловини солдатлар иштаҳа билан ейишти. Бу бир-бирдан мазали оқватларни ким тайёрлаган? Саволга жавоб топиш учун илиб қўйилган ёзувга кўз ташланса бас. У ерга оддий солдат Рустам Хусанов деб ёзиб қўйилган.

— Ошпаз этиб тайинлашганда ўзининг қандай хис қилингиз? — қизидик би.

— Ниҳоятда хурсанд бўлима, — жавоб берди у. — Аҳир бу менинг севган касбим-ку.

Галнинг маъноси бу ёқда экан. Бундай ҳолатда йигитнинг омади келган дейишди. Биз бошқача фикрдамы. Бу қўли гул йигит ёрлаган оқватларни тўришга ўришга кўз ташланса бас. У ерга оддий солдат Рустам Хусанов деб ёзиб қўйилган.

— Ошпаз этиб тайинлашганда ўзининг қандай хис қилингиз? — қизидик би.


Концерт бошланганидан кейин у хато ўйлагандлигини тушутиди. Жангчиларга жон киргандек бўлди, улар дадиллашди қолди. Ҳар бир номердан кейин ҳар бири ўз ҳолига табриқлай бошлад.

Концертдан кейин ҳамма бирдан йиғлаб юборди. Артистлар ҳам йиғлашди. Ҳамма бирдан танқилантиришни уздайла олманган госпиталь бошлиғи: «Сизларга раҳмат. Катта раҳмат» деди.

Биз Тамираҳоним билан узоқ суҳбатлашмадик. Қисқа вақтда унинг маънавий жиҳаддан ниҳоятда мукаммал, саҳий аёл эканлигини билиб олди. У бизга зарҳал рағндаги миллий кийимлар билан бирга



бузғилини учун уни тошбурун қилишди. Тамираҳоним ҳозир дам олмоқда. Лекин унинг фаолиятини давом эттири. У тез-тез қорхоналар, ҳарбий кўрсаларда бўлиб туради. Уни В. И. Ленин номидagi Тошкент олий умумқўшни командирлари билим юртининг курсантларини Тамираҳонимнинг уйда меҳмонда. Автор фотоси.



Бугунги кунда Инкилоб кнбонда кўп қатлам «Узбекистон» меҳмонхонасининг муҳташам биноси савлат тўкиб турибди. Шаҳримизга келмаган меҳмонлар бу улкан бионинг замонавий архитектура кўринишдан ҳайратга тушмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу жой ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган жонанон Тошкентимизга таширф буюраётган кишилар учун энг севимли жойлардан бирига айланган.

СУРАТДА: «Узбекистон» меҳмонхонасининг олд томонидан кўриниши.

С. Махиямов фотоси.

ШАҲБА ОКШОИИ

ОНАЕР ИНЪОМИ МЕВАЛАРНИНГ МУМТОЗИ

Ҳурматли редакция, ёши табаррук отахонлар ўрик меваларига ниҳоятда ихлосманд бўлишди, бунинг бонси нимадир! Илоҳи бўлса, ўрикнинг хосиятлари ҳақида атрофияли маълумотлар берилишини истар эдик.

Муқибба САТТОРОВА, Омонулла ХОЛМАТОВ.

Ўткирнинг машҳур табиблари Дискардиус, Буқрот ҳақини, Абу Али ибн Сино, Амридавалат ўрикнинг серхосият неъмат эналгинини баён этиб ўтган эдилар. Чунонки, қадимий манбаларда ўрик ва унинг елими ошқозон-ичак фаолиятига, икбий таъсир кўрсатиши қайд этилган.

Халқ табobati амалиётида юрак оғриғини, хаприканида, хафшон касаллигида ўрик мағзи асосида чой дамлаб ичинг таъсирини қўйишади. Ўрик мағзи ва бошқа дори-дор омиллар билан бирга нафас йўллари-нинг яллиғлинишига боғлиқ бўлган касалликларда, кўкйўтал, буйрак яллиғлинишида таъсир этилади.

Ўрик мевалари таркибига назар ташласак, унда кўпдан-кўп фойдали элементларни кўришимиз мумкин. Унинг шарбатли этиди 27 процентта қадар қанд, 2,5 проценттача органик кислоталар, лектин, крахмал, ошловчи моддалар, темир, мис, кальций, магний, микроэлементлари, калий тузлари билан бир қаторда дармон-дорилардан витамин С; РР; каротин каби ҳаётбахш омиллар бор. Ўрик мағзи таркибидан 50 процентта қадар қотмайдиган мой, оқсил моддалар, витамин В₁, гликозид, амилазин мавжуд.

Ўрик елими таркибидан галактоза, глюкоза, арабиноза, оқсил, салмоқли минераллар микрорезидентлар бўлади. Ўрик ва ўрик маҳсулотларида бунчалик фойдали омилларнинг сақланиши илмий медицина амалиётида кенг қўламда фойдаланишга замин яратди. Ўрик мевасида кўп миқдорда провитамин А мавжудлигини инobatта олган ҳолда, шифокорлар уни болаларнинг овқатланиш рационига қўйишнинг асоси этидилар. Ўрик таркибиданги шифобахш моддалар гўллар ҳамда болаларнинг яхши таракли этишига, камолотига омиллик яратди.

Атчиқ данакли ўрик мағзидан тайёрланган препарат атчиқ бодом суви ўрнида мева-ичак оғриқларидан ҳоли қилувчи ҳамда тинчлантирувчи дори сифатида ичилади. Ўрик дағининг пўнқоридан активлаштирилган писта кўмир олиниб, медицинада қўлланилади.

Республикамизда кўп қўллаб ўрик навлари бор. Фарғонада қўриқчи учун бобойи, исфарак, қантак, мисанжали, субҳони, гулжонги, жавпазак, моҳитоби, руҳи жуванон каби навлар этиштирилиб ҳосил олинади.

М. НАБИЕВ, химия фанлари кандидати.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ҲАЖВ ДАФТАРИДАН Гўзал чаман бўлсин...

Шундай манзарага гоҳ келамиз дуч: Ахлат уюмлардан тоғ бўлган барпо. Пашалар бозм этар унда бўлиб гўж, «Автодор»-«Базар» боқмайди қиб.

Бир қадан бериди каттақон дўкон, Тондан окшомгача қизийди савдо. Ким келса бурини беринтар шу он, Нафас олмас бундан кетгунича то. Атрофда чикинди ҳам ёқимсиз бўй, Кейфит бузилар, қакшайди асаб.



ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА ТОШКЕНТ ДЕМОГРАФИ

«Аҳоли миграциясининг асосий йўллари». «Шаҳарларда қанча одам истиқомат қилади?», «Илгирми йилдан кейин Ўзбекистон аҳолисининг сони». Бундан ўн бир йил муқаддам В. И. Ленин номида Тошкент Давлат университетида ташкил этилган мамлакатда ягона бўлган аҳоли жойлашуви проблемали илмий тадқиқот лабораторияси бу ва шунга ўхшаш кўпгина саволларни ўрганмоқда.

Лаборатория ҳодимлари ХХІ асрнинг бошларида республика аҳолисининг фи маршрутларида пассажир транспортининг эҳтиёжини аниқлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг демография бўйича тинловчилари бу ерда стажировкадан ўтишганлиги лаборатория ишларининг аҳамиятидан далолат бериб турибди.

УЙ-ЎЗҒОР ТАШВИШИДА

СИРЛАНГАН ИДИШНИНГ СИРИ

Ҳаммага маълумки, сирли рўзгор буюмлари гигиеник жиҳатдан жуда қулай ҳисобланади. Чунки сирли (эмалланган) буюмлар кўринишидан жонивабали бўлиш билан бирга, унга унчалик гард қочтирмайди, ундаги чирк ва доғлар яхши осон кетказиш мумкин.

Ошхона бисотида жуда асқотадиган сирланган буюмларнинг ҳаётини янада қўзиш учун оддий бир амалга эътибор берсак бўлган. Харид этилган янгигина сирли идишга бир оз намозор солиб (бир литр сувга беш чой қошиқ миқдорда ош тузи) қайнатиб олинса, мазкур идишнинг сирли «чинчиқ», анчагача хизмат қилиши мумкин.

ТАЪМИР ЭТИЛАДИГАН БЎЛСА...

Ҳозирда аксарият уй соҳибалари табиат неъматлари бўлиш мена, сабзавот ва резазорларни таъмирлаш қўйишга ошқадилар. Ҳа, консервланган табиат неъматлари ҳоҳлаган фасл ва шароитда дастурхонимизни бебайди ва зидинга узилган сархили неъматдай иштаҳага оро беради.

Табиат неъматларидан консерва тайёрлаётганимизда, унга шаккар қўшиданган бўлсангиз, маҳсулотларини охиралик билан аралаштириш лозим, шунда таъмирланган маҳсулотларнинг сифати яхшироқ бўлади. Бу эса, сиз тайёрлаётган маҳсулотнинг сифати бўлишига ердан беради.

САҚЛАШДА ҲАМ САҚЛАШ БОР

Консервланган сабзавотларни илоҳи борича салқин жойда, қуёш нурларидан ҳоли — хона ҳарорати плюс 4—6 даража бўлган жойларда сақлаш мумкин. Маҳсулотнинг музлаб қоллиши йўл қўймаслик керак.

Дово ХҲҲАЕВА.




Украина ССР, Донецк шаҳридаги Калинин номидаги ўзига хос обсерватория ишлаб турибди. Кон чикиндилари тўплаган суний тепалик чўққисидан мақдон текислиб, астрономик кузатишлар учун мослаштирилган. Донецк Давлат университети ўқитувчилари рақбарлигида астрономия ихлосмандлари—студентлар, ўқитувчилар, ўқувчилар бу ерда кузатиш олиб борадилар.

СУРАТДА: ҳаваскор астрономлар осмонни кузатишга ҳозирлик қўришмоқдалар.

Л. Самсонов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

МАЗАЛИ МУЗҚАЙМОҚЛАР

Тошкент муз комбинатида қороз станциялар тайёрлаётганини кўриш мумкин. Бугунги кунда комбинатда 20 дан ортқ маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона меҳнатқиларини бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун астойдил меҳнат қилиб, кунига 35 тоннадан музқаймоқ тайёрламоқдалар.



Киров район 2-Кисловодск маҳалласидаги 42-оziк-овқат магазини ёнида ахлат уюмлари ҳамиша тоғден бўлиб етади.

Расмини Ўзбекистон ССР халқ рессоми Л. АБДУЛЛАЕВ чизган.

ШУ КУННИНГ МАВЗУИДА

ҚАТИҚДАН АЙРОН

Қатиқ ёки сузмани ёгон қошиқ билан ата-лаб, қайнаган совуқ сувга қўйиш, сўнг холодильникда тайёрланган муздан пияла-ларга солиб, ўстидан айрон қўйиш. Буни ичганда тан роҳат қилади, саратон ҳарорати биллинмайди.

АЙРОН УЧУН: бир юса қатиқ ёки сузма, бир стакан сув, таъбга кўра муз керак бўлади.

ЯХНА ЧОЙ

Кўк чойни дамлаб совитасиз ва муз солинган пиялага қўйиб дастурхонга тортасиз. Бир литр қайноқ сувга икки чой қошиқда кўк чой, таъбга кўра муз кетади.

ОЛЧА ШАРБАТИ

Олчани чўп ва данагидан тозаллаб эзасиз ва эритилган шаккар қўшасиз-да, дарҳол истеъмолга узатасиз. Бир литр олча суви-га икки юз грамм шаккар киёф.

ҒҒРА СУВИ

«Хусайни» узумининг ғурасини (июль ойи ўрталаридагисини) бандидан акратиб ювгандан кейин сирли идишга солиб, юзи билан баравар сув қўйсангиз, олчани қўйсангиз, сув қайнагач, олиб совитасиз, узумини эзиб шарбатини сузданган сўнг суюқ қилиб қайнатилган қиём қўйиб юборсангиз ва қайнаб чиққач олиб совитасиз.

НАЪМАТАК ИЧИМЛИГИ

Ҳўл ёки қуритилган наъматакни ювиб, сирли идишда дамлаб қайнатасиз. Сувини доқада сузиб бир оз шаккар солиб эритасиз, сўнг совутилган ҳолда дастурхонга тортасиз.

АТИРГУЛ ШАРБАТИ

Атиргулнинг гул япроқларини ювиб ташланг-да, сирланган настрилькага солиб сув қўйиш, қопқонини ёпиб оловга қўйиш, сув янзиллаши билан дарҳол олинг-да, қопқонини очмасдан совутинг.

Гўл шарбати

Гўл шарбати учун: 300 грамм гўл япроғи, 200 грамм шаккар, бир чиндми жажарлиму, тўрт стакан сув кетади.

УРИК СУВИ

Ўрик ёки туршасини яхшилаб ювиб, сирланган настрилькага солисангиз ва ўстидан сув қўйиб қайнатасиз. Сўнг суви совутиб доқадан ўтказасиз-да, истеъмол учун дастурхонга тортасиз.

ЎРИК СУВИ ТАЙЁРЛАШ

Ўрик ёки туршак, икки литр сув керак бўлади.

БУНГА: бир килограмм ғўра керак. Қиём учун ярим килограмм шаккар, икки стакан сув етади.

УРИК СУВИ

Ўрик ёки туршасини яхшилаб ювиб, сирланган настрилькага солисангиз ва ўстидан сув қўйиб қайнатасиз. Сўнг суви совутиб доқадан ўтказасиз-да, истеъмол учун дастурхонга тортасиз.

УРИК СУВИ ТАЙЁРЛАШ

Ўрик ёки туршак, икки литр сув керак бўлади.

НАЪМАТАК ИЧИМЛИГИ

Ҳўл ёки қуритилган наъматакни ювиб, сирли идишда дамлаб қайнатасиз. Сувини доқада сузиб бир оз шаккар солиб эритасиз, сўнг совутилган ҳолда дастурхонга тортасиз.

АТИРГУЛ ШАРБАТИ

Атиргулнинг гул япроқларини ювиб ташланг-да, сирланган настрилькага солиб сув қўйиш, қопқонини ёпиб оловга қўйиш, сув янзиллаши билан дарҳол олинг-да, қопқонини очмасдан совутинг.

Гўл шарбати

Гўл шарбати учун: 300 грамм гўл япроғи, 200 грамм шаккар, бир чиндми жажарлиму, тўрт стакан сув кетади.


УРИК СУВИ

Ўрик ёки туршасини яхшилаб ювиб, сирланган настрилькага солисангиз ва ўстидан сув қўйиб қайнатасиз. Сўнг суви совутиб доқадан ўтказасиз-да, истеъмол учун дастурхонга тортасиз.

УРИК СУВИ ТАЙЁРЛАШ

Ўрик ёки туршак, икки литр сув керак бўлади.

Ажойиб насихатлар



● Емонлигининг озгинаси ҳам кўп.

● Очқўзликни даволайдиган дори ва нодонлиқни тузатадиган табиб йўқ.

● Муҳиббий айтади: Номарнинг қалбида дарди бўлмайди. Аҳмоқнинг ичиди марди бўлмайди.

● Очқўзу бахилнинг ҳолати аён. Одамлар ичиди қадри бўлмайди.

Кичиклар билан муомала

● Кишининг ўзидан кичикларга раҳму муруват қилиши ва меҳрибонлик кўрсатиши инсоний фарзатлардан ҳисобланади. Эй ўғил, сен ўзиндан кичикларни кўрганда қўполлик билан муомала қилма, улар куч ва қудратда сендан оқиб бўлгани учунгина ҳақорат-қўзи билан боқма. Ўз фарздининг сенга қандай азизу муҳтарам бўлса, улар ҳам ўз ота-оналарига шириндир.

● Муҳиббий айтади: Осмонда ёрқин ой афти гўзалмиш, Гулзорда булбулнинг савти гўзалмиш. Ҳаммаси гўзалу ва лекин менга, Бир инсон қалбининг тапти гўзалмиш.

● Катталар кичиклардан ўз панду насихатларини алмасликлари, уларнинг ёмон уфатлари билан кўшилиб, номақбул йўлларида кириб кетмасликларига кўзқулоқ бўлишлари зарур.

● Ҳикоят: Бир олим кишининг доно қизи бўлиб, у қиз бир кун беодоб бр қизинига бормоқчи бўлди. Отаси эса унга рухсат бермади. Қиз бундан қаттиқ рановиди. Шунда олим ёнида турган ўқодан бир парча қўмир олиб, қизга узатди. Қиз уни чўғ деб ўйлаб олди.

— Қўрқма,— деди олим қизига,— бу чўғ эмас, ушлайвер. Қиз қўмирини ушлаган эди, қўллари қорайди, қўмир чагларни қўйлагига ҳам теги.

— Кўрдимми,— деди ота унга,— кўмирга яқинлашган эдинг, кўмир қўлингни ва қўйлагингни кир қилди. Емон уфат ҳам кўмирга ўхшади, у ўзининг ёмон феъли ва номақбул йўллари билан покиза одамнинг табиатини ҳам кир қилади.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

ЁЗНИНГ ИССИК КУНЛАРИДА...

Кўш ҳам олов, деган гап бор. Дийрмиқнинг кўши ёнгиғимизда лопиллаётган гўлхан каби оламни қиздирибди. Қодир табиатни қарангки, офтобнинг заррин нурларидан ранго-ранг неъматлар яратиб, насибамизга лўқим эъло тўтиб турибди. Ширин-шарбат мевалар, кассару зилол сувлар, шарбатлар эъзон-танамизга пором келиб, ором бағишламоқда.

Азиз ошомхон, шу саратон кунларда чанқоғингизни бошим, насибамизга яхшилаб ўзини танили пазанда Карим МАҲМУДОВНИНГ роҳатбахш ичимликлар ҳақидаги маслаҳатларини ҳавола этдик.

УЙҒУН КЎК ЧОЙ ИЧИБ ҚИЛАМАН ҲУЗУР

Йўқ, биродар, мен ҳам ичман... Аммо, менинг ичганим кўк чой. Докторларнинг айтишиларча, Кўк чой жуда витаминга бой!

Фойдаси кўп саломатликка, Кўк чой бўлур мени дардга даво. Кўк чой зарур турган одамга Мисоли сув, мисоли ҳаво!

Кўк чой ичгинг, яхши доғ бўлиб Қаҳрабга айланганга.

Кўк чой дарҳол қўйиб чикармиш Иллат бўлса инсон танида.

Ҳеч ичимлик чанқов босишда Тенг келолмас кўк чойга асло. Кўк чой берар мириқиб ичсанг, Танга роҳат, дилга тасалло.

Шошиямасдан ҳўплаб-ҳўплаб ич, (Бу ишда ҳам лозим маҳорат!) Чўллаб келиб саратон пайти Яхнасини шимирсанг роҳат!

Мойдек ёқар оғзингга кўк чой, Тахир бўлса ҳажми мазаси. Агар палов ҳам мазаси, Кўк чой ичгинг— шудир жазаси!

Бир пияла кўк чой бўлса бас, Шароб тутманг, ичмайман, узр. Ҳа, биродар. Еш қайтиб қолган, Кўк чой ичиб қиламан ҳузур...

Кўк чой дори танангга, кўк чой — Чанқоғингизни босади дарҳол. Ҳа, кўк чойнинг фойдаси дўстим, Эл оғзига қўлдандир мафол.

РОҲАТИЖОНДАН РОҲАТ ОЛИН

Езанинг иссиқ кунларида холодильник музи ёки табиий музини қирғичда қирасиз (қирғичдан муз эриб кетмай қорга ўхшаб турсин). Мана шу қирилган музларни ли-

коп ёки вазаларга солиб, юзига шинни ёки меваси олинган қиём қўйиб дастурхонга тортасиз.

«Роҳатижон»га: 500 грамм муз, 100 грамм шинни ёки қиём етади.

ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

● Иссиқ кунларда офтобда бошалаб юрма. Албатта, соябон тутиш ёки бош кийим кийинг...

● Баданинги чиниқтиришда арталлаб ва кечки офтоб нуридан фойдаланган яхши.

● Бобилининг машҳур «муаллақ боғ» ларидан ҳам гўзал боғроғларда, хиёбонларда, даракторларда тез-тез дам олиб, сайр қилинг.

● Табиат қуйчиси М. Притвининг мана бу доно гапини ёдингизда тутиш: «Кўнглинги баъзан алланем-чуг гаш бўлиб, бунинг учунга, аризмаган ноҳушлик дилнингизни ҳуфтон қилган бўлса, яхшиси наҳр бўйига бориш — у сиздаги бутун ғуборни тортиб олади».

● Иссиқ кунларда иштаҳа очадиган аччиқ-чучук, нордон мена ва сифатли овқатланиш фойдалидир.

Материалларни Т. РАСУЛЕВ тайёрлади.

ТОШКЕНТИНИНГ КУМУШ КАМАРИ—АНҲОР СОҲИЛЛАРИ СЛҚИН ВА ОРОМ-БАХШ. УНИНГ СУВЛАРИДА КҮШ ОЛТИ ТАНГАЛАР ЙҶНАЙДИ, СУВЛАРДА БАЛИҚ-ДЕК СУЗАН ОДАМИНГ ТАНИ ЯЙРАЙДИ.

3. Ингиталиев фотоси.

Ж. ҲАМДАМОВ: Меҳнат дафтарчада фамилияни ёзишда хатоликка йўл қўйилган. Ана шу хатони қандай қилиб тузатса бўлади, бунинг учун қанақа ҳужжатлар талаб этилади?

Жавоб: Меҳнат дафтарчасидаги ёзувларга ва фамилияларга ўзгартириш киритишни ўша ходим ишлаётган сўнги иш жойидаги маъмурият тегишли ҳужжатлар асосида (туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, белгиланган тартибда исми ўзгартириш тўғрисидаги ва шунга ўхшаш ҳужжатлар) амалга оширади. Янги ёзувларни меҳнат дафтарчасига ёзиш пайтида олиб келинган ва тасвир қилинган ҳужжатларнинг номери ва уларнинг қайси вақтда берилганлиги албатта кўрсатилиши керак.

Ж. МУРОДОВА: Меҳнат отпускани пайтида касал бўлиб қолдим. Айтингни, менинг отпусканим чўзишлари керакми, касаллик варақасига нафақа тўлаш қонда-си қандай?

Жавоб: Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик пайти меҳнат отпускани даврга тўғри келиб қолган ҳолларда меҳнат отпусканининг ходим касал бўлган кунлари бошқа муддатга қўйрилиши ёни касал бўлган кунлар ҳисобига чўзилиши мумкин. Бундай ҳолларда фойдаланилмаган қолган отпускани кунларига ҳақ тўланмайди.

О. ҚУЛМАТОВ: Айтингни, ҳозирги пайтда ер юзидан қанча метеорологик станция бор? Бизнинг мамлакатимизда ана шундай хизмат қачонда бошлаб йўлга қўйилган?

Жавоб: Россияда 1872 йили об-ҳаво маълумотларини ҳавбар қилувчи биринчи боллетень чоп этилган эди. Сўнгра бир қатор губернияларда маҳаллий об-ҳаво бюрolari ташкил қилинди. 1921 йили 21 июнда В. И. Ленин имзолаган Декретга мувофиқ мамлакатимизда ягона метеорология хизмати ташкил этилди. 1925 йилда келиб ер юзига 500 га яқин шундай станциялар бўлган. Ҳозирги вақтда жаҳонда 10 миндан зиёд ана шундай станциялар ишлаб турибди. Бу станциялар бир сутка мобайнида бир неча бор об-ҳавонинг қандай бўлиши ҳақидаги маълумотларни тўплайди.

Б. ЭҒАМОВ: Институтнинг сиртки бўлимида ўқийман. Яқинда сессияга чакришиди. Ишончман, даги бухгалтерлар бериладиган отпускани учун иш ҳақининг 50 процентини тўлаймиш дейишди. Шу тўғрими?

Жавоб: Нотўғри. Белгиланган тартибга кўра, олий ўқу юр-турларида сиртдан тур-ларда олаётган студентларга ўқув отпускани учун иш ҳақи қанчалигидан қатъий назар 100 сўм, техникларда таълим олаётганларга 80 сўм миқдорда ҳақ тўланади.

Э. ҚОСИМОВ: Спортнинг баскетбол тури билан шуғулланмоқчиман. Шу ҳусусда қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: «Меҳнат резервлари» кўнглили спорт жамиятида баскетбол секцияси ҳам ишлаб турибди. Бу спорт жамияти Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. У ерга транспортнинг барча турларида, шунингдек метрода борса бўлади. Ўзингизни қизиқтирган қўшимча маълумотларни 77-06-47 рақамли телефон орқали билиб олишингиз мумкин.

РЕДАКТОР Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ 61 ОКШОМИ 2 ИЮЛЬ, 1983 й.

